

«Т А С Д И Қ Д А Й М А Н»
Кармана туман «Ахборот-кутубхона»
маркази директори

Д.Т.Имомова
“ _____ ” 2022 йил



**КАРМАНА ТУМАН «АХБОРОТ-КУТУБХОНА» МАРКАЗИ
ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН НАШРЛАРНИ ЧОП ЭТИШ ХАРИДИ
ЮЗАСИДАН ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА
ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИ**

ТЕХНИК ХУЖЖАТЛАР



Кармана туман - 2022 йил

МУНЖАРИЖА

Техник ҳужжатларининг мазмуни:

- I-боб. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома
- II-боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар
- III-боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби
- IV-боб. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби
- V-боб. Энг яхши таклифларни танлашда натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби
- VI-боб. Намунавий ҳужжатлар шакли ва Шартнома лойиҳаси

I-боб. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома

Мазкур энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда танлаш деб юритилади) бўйича харид қилиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган 684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Танлашни ўтказиш шакли: танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали очиқ тарзда ўтказилади.

Давлат буюртмачиси: Кармана туман “Ахборот-кутубхона” маркази (бундан буён матнда Буюртмачи деб юритилади).

Харид предмети: Мазкур харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилаган техник топшириқда кўрсатилган талабларга мос келувчи нашр маҳсулотлар.

Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шarti: 30 000 000 (ўттиз миллион сўмдан ошмаган ҳолда жами. Товари етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) муддати шартнома имзоланганидан 90 кундан ошиб кетмаслиги лозим.

Молиялаштириш манбаи ва валютаси: Бюджет маблағи ҳисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.

Тўлов шартлари: Шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдорида (*бир миллиард сўмгача тўзиладиган шартномаларда*) олдиндан тўлов амалга оширилади ва товар етказиб берилганидан (иш бажарилагандан, хизмат кўрсатилганидан) сўнг қолган 70 фоизи тўлаб берилади.

Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили: Кармана туман

Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс: Ф.И.О, тел: Директор Д.Т.Имомова 93-311-93-98, Бош ҳисобчи: Ш.Х.Амонова тел: 99-758-45-35

Манзили: Кармана туман Тошкент кучаси 7-уй

Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт: Таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг беш иш куни давомида, соат 9-00дан 18-00 га қадар қабул қилинади.

Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:

Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади;

Мазкур танлашни ўтказишда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади;

II -боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

Мазкур танлашда давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган юридик шахси иштирок этиши мумкин.

Харид комиссияси дастлабки сифат танловини ўтказиши ва унинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда иштирокчиларни таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш юзасидан қарор қабул қилади.

Дастлабки сифат танлови харид қилиш ҳужжатларини 2-иловасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Иштирокчилар қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

техник топшириққа доир талабларга мос келувчи таклифлар мавжудлиги; таклифлар аниқ кўрсатилиши шарт.

шартномани бажариш учун зарур молиявий ва моддий ресурсларининг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги;

солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти ва иш тажрибасига эгалиги;

имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошқор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисобрақамлари рўйхатдан ўтказилмаганлиги;

таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

танлашда нархи бошланғич нархдан ошган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб

чиқилмайди

Иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси таклифларни танлаш бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар харид комиссиясига ўтказилаётган танлаш юзасидан тушунтириш бериш бўйича сўров юборишга ҳақли.

Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар ушбу сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни юборади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Ушбу танлашни ўтказишда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади.

Дастлабки сифат танловини ўтказиш тартиби

Дастлабки сифат танлови харид қилиш тартиб-таомилининг бир қисми бўлиб, унинг натижаси давлат харидлари тўғрисидаги шартномани тузиш учун асос ҳисобланмайди.

Дастлабки сифат танловини ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари барча учун бир хил ҳисобланади ҳамда давлат харидларининг асосий принципларига зид бўлмаслиги лозим.

Танлов бошланишидан олдин харид комиссияси иштирокчиларнинг малакавий танловини ўтказди. Танловнинг кейинги босқичида фақат малака танловидан ўтган иштирокчилар иштирок этишлари мумкин.

Дастлабки сифат танловини ўтказиш учун талабгорлар танлов ўтказиладиган манзилга танлов ўтказишган камида бир кун олдин Техник топшириқнинг талабларига жавоб берадиган нашр маҳсулотларини тақдим қилишлари лозим.

Талабгорнинг тақдим қилган ҳужжатларининг тўлиқлиги харид комиссиясининг маъсул котиби (бундан буён матнда котиб деб юритилади) томонидан ўрганилади.

Иштирокчиларнинг сифат танловини ўтказишда қўйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга йўл қўйилмайди ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди:

- сифат танлови учун зарур ҳужжатлар тўпламини ўз вақтида топширмаган иштирокчилар;

- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган;

- буюртмачига нисбатан суд ёки арбитраж муносабатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган иштирокчилар;

- имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) рўйхатдан ўтказилган ёки мазкур ҳудудларда банк ҳисобрақамлари очган иштирокчилар;

- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган;

- манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;

- илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган иштирокчилар.

Маҳсулот сифатни баҳолаш мезонлари харид қилиш ҳужжатларининг 3-илоvasида келтирилган.

Дастлабки сифат танлови натижалари харид комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Харид комиссияси баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан дастлабки сифат танловидан ўтмаган иштирокчиларнинг таклифларини рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда уларни хабардор қилади.

Дастлабки сифат танловидан ўта олмаган иштирокчиларнинг техник ва нархга оид таклифлари кўриб чиқилмайди.

Маҳсулот сифатини баҳолаш мезонлари

Маҳсулот сифатини баҳолаш харид комиссияси томонидан танлаш бошлангунга қадар амалга оширилади ва танлов натижасининг баённомасида сифат кўрсаткичи натижалари кўрсатилади. Агар талаб этилган ахборот иштирокчи томонидан тақдим этилмаса, харид комиссияси иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлашга ҳақли.

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Намуна китобларнинг матнини муковага бириктирилиши ва ип билан тикилиши (переплет) сифати	10 балл	агарда сифати қониқтирмаса 0 балл
2.	Намуна китобларнинг сирти доирасимон эканлиги (закругленный корешок)	10 балл	агарда сифати қониқтирмаса 0 балл.
3.	Намуна китобларнинг муковасида фольга билан бўртириш (тиснение) сифати	0 дан 10 баллгача	5 баллдан паст бўлса, иштирокчи танлаш савдоларида қатнашмайди
4.	Намуна китобларда иштатилган коғоз сифати	0 дан 10 баллгача	5 баллдан паст бўлса, иштирокчи танлаш савдоларида қатнашмайди
5.	Намуна китоблар блокиннинг уч томони тугри ва текис қирқилганлиги	Ҳа/йўқ	Агар ҳа бўлса, иштирокчи танлаш савдоларида қатнашади
6.	Намуна китоблардаги босма сифати	0 дан 10 баллгача	5 баллдан паст бўлса, иштирокчи танлаш савдоларида қатнашмайди
7.	Намуна китобларда ишлатилган коғоз оклиги	0 дан 10 баллгача	5 баллдан паст бўлса, иштирокчи танлаш савдоларида қатнашмайди

Сифат танлови ҳужжатларининг РЎЙХАТИ

1. Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза (харид қилиш ҳужжатларига 5-илова).
2. Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги, буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлиги, аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслигини тасдиқловчи қафолат хатлари (харид қилиш ҳужжатларига 6-илова).
3. Дастлабки сифат танловини ўтказишга ТАЛАБНОМА (харид қилиш ҳужжатларига 7-илова).
4. Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза (харид қилиш ҳужжатларига 14-илова).

** Иштирокчилар ўз хоҳишига кўра фаолиятига доир қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиши мумкин.*

№: _____ Сана: _____

Харид комиссияси

АРИЗА

Биз, қуйида имзо чекувчилар (*танлаш иштирокчисининг номи кўрсатилади*) товар етказиб бериш учун (*таклиф этилаётган товар турлари кўрсатиб ўтилади*) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ товар етказиб бериш бўйича иштирок этиш учун ўз истагимизни билдирамыз.

Шу муносабат билан қуйида келтирилган ҳужжатларни йўлламоқдамиз:

1. Сифат танловига нашр намуналари (*брошюра, буклетлар тақдим этилганда варақлар сони, компакт дисклар тақдим этилганда уларнинг сони кўрсатилади*);
2. Таклиф;
3. Бошқа ҳужжатлар (*бошқа ҳужжатлар тақдим этилганда уларнинг номи ва варақлари сонини кўрсатиш талаб этилади*).
4. Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза.

Таклифини тайёрлаш учун жавобгар шахснинг Ф.И.Ш.:

Телефон рақами: _____

Электрон почта манзили: _____

Имзо:

Рахбарнинг Ф.И.Ш. _____

М.Ў.

№: _____ Сана: _____

Харид комиссияси

КАФОЛАТ ХАТИ

Мазкур хатни йўллаш орқали сизга ушбу ташкилот (ташкилотнинг номи кўрсатилади):

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги;
- буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги;
- аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;
- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилигини тасдиқлаймиз.

Имзо:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. _____

М.Ў.

III -боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби

Танлаш таклифи ҳамда иштирокчи ва буюртмачи ўртасида амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар давлат тилида ва заруратга кўра бошқа тилларда тайёрланиши мумкин.

Иштирокчиларни таклифи матни бир нечта тилда расмийлаштирилиши натижасида матн талқинида тафовутлар юзага келган тақдирда, ўзбек ёки рус тиллари устунликка эга бўлади.

Техник ҳужжатларни инглиз тилида тақдим этилишига ҳам рухсат берилади. Бунда ҳужжатнинг ўзбек ёки рус тилидаги аниқ таржимаси тақдим этилиши шарт.

Буюртмачи ташлаш иштирокчиларидан харид қилиш ҳужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтириш бериш тўғрисида сўров олганидан кейин сўралган тушунтиришларни икки иш куни ичида тақдим этади.

Иштирокчи ҳужжатлар тўпламини электрон шаклда сайтга жойлаштириши керак.

Иштирокчининг таклифи харид комиссиясига электрон шаклда тақдим этилади. Иштирокчи:

- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;

- фақат битта таклиф беришга ҳақли;

- таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Таклиф буюртмачининг техник топшириғига ва дастлабки малака танловига мос келувчи иштирокчининг таклифига мос расмийлаштирилади:

-“Танлаш бўйича таклиф”

Танлаш таклифида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

товар ишлаб чиқарувчи корхона томонидан берилган ишончноманинг асл нусхаси (агар танлаш иштирокчиси таклиф этилаётган товар ишлаб чиқарувчиси бўлмаса);

дастлабки малака танловидан ўтиш учун зарур маълумотлар;

махаллий ишлаб чиқарувчи эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

ушбу харид қилиш ҳужжатларини 8-иловасидаги шаклга мувофиқ таклиф қилинган маҳсулот учун техник топшириққа доир талабларнинг қиёсий жадвали;

техник ҳужжатлар (тақдим этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган рисоалар ёки бошқа ҳужжатлар)

Белгиланган муддат тугаганидан кейин тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилмайди.

Танлаш таклифи харид ҳужжатларида белгиланган муддат давомида амал қилади. Иштирокчиларнинг танлаш таклифининг амал қилиш муддати танлаш таклифлари тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камида 60 кунни ташкил этиши керак.

Харид комиссияси танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги

Дастлабки сифат танловини ўтказишга
ТАЛАБНОМА

Маълумотлар номи	Тўлдириш учун
1. Умумий маълумот	
Юридик шахнинг тўлиқ номи	
Ташкилий-ҳуқуқий шакли	
Солиқ тўловчининг идентификация рақами/коди	
Тадбиркорлик фаолияти турлари (барча лицензияланган фаолият турлари кўрсатилсин)	
ИФУТ (агар қўллаш мумкин бўлса)	
Макоми (ишлаб чиқарувчи, дилер, бошқа)	
Веб-сайти	
Электрон алоқа манзили	
2. Юридик манзил	
Мамлакат	
Ҳудуд/вилоят	
Туман	
Шаҳар/аҳоли пункти	
Почта индекси	
Кўча	
Уй	
3. Ҳақиқий манзил	
Мамлакат	
Ҳудуд/вилоят	
Туман	
Шаҳар/аҳоли пункти	
Почта индекси	
Кўча	
Уй	
4. Банк реквизитлари	
Асосий ҳ/р, валюта ҳ/р	
МФО / Банк коди	
Банк номи	
Банк манзили	

Изоҳ:

3. Талабгор барча маълумотларни тасдиқлайди ва тақдим қилинган маълумотлар ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

Раҳбар

(муҳр)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор харид комиссиясининг мажлисларида қабул қилинади.

Харид қилиш ҳужжатларига
8-илова

№ _____ -лот

ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФ

КИМГА: харид комиссиясига

Жаноблар!

Биз, қуйида имзо чекувчилар (танлаш иштирокчисининг номи кўрсатилади) ўтказилаётган харид ҳужжатлари олганлигимизни тасдиқлаган ҳолда, хизмат кўрсатиш учун (таклиф этилаётган товар номи, марка ва модели кўрсатиб ўтилади) кўрсатилган ҳужжатлар асосида ва _____ миқдорларда етказиб беришни (хизмат кўрсатишни) амалга оширишни таклиф этамиз.

Бизнинг таклифимиз қабул қилинган тақдирда, товар ва хизматлар учун харид ҳужжатларида келтирилган етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) мудатлари асосида товарларни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятини оламиз.

Бизнинг _____ (_____) _____) сўм закат пулимиз Шартнома шартларининг бажарилиш якунига қадар ва биз томонимиздан шу каби Шартнома шартларининг бажарилишига кафолат сифатида Буюртмачи ихтиёрида туради.

Биз танлаш таклифларининг очилган куни сифатида ўрнатилган (белгиланган) санадан бошлаб 90 (тўқсон) кун давомида ушбу танлаш таклифлари қоидаларига риоя этишга розилик билдирамиз. Ушбу танлаш таклифи биз учун мажбурий (ҳақиқий) бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат ўтгунга қадар ихтиёрий вақтда қабул қилиниши мумкин.

Иловалар:

- таклиф этилаётган маҳсулот техник тавсифининг таққослама жадвали _____ варақда.
- маҳсулот ишлаб чиқарувчи заводдан олинган ишончноманинг асл нусхаси (танлаш иштирокчиси таклиф этилаётган маҳсулот ишлаб чиқарувчиси бўлмаган ҳолларда тақдим этилади).
- техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорт, фойдаланиш бўйича йўриқнома ва х.к.лар, ёки таклиф этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ тавсифи берилган бошқа ҳужжатлар).

(ваколатли шахснинг имзоси)

(Ваколатли шахснинг исми ва лавозими)

М.Ў..

Сана: “ _____ ” _____ 20_____

Таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг қийсий жадвали

Танлаш _____ (танлаш рақами ва санаси кўрсатилади)

№	Параметр номи	Техник хусусиятларига доир талабларига мувофик кўрсаткич	Иштирокчининг таклифига биноан кўрсаткич	Кафолат муддати	Изоҳ (мос/мос эмас)
1					
2					

Иштирокчи раҳбари ёки ваколатли шахсининг Ф.И.Ш. ва имзоси

М.Ў.

IV -боб. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби

Закалати таъминланмаган иштирокчиларнинг таклифлари харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди (харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилган бўлса).

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда таклифларни қабул қилиш муддати тугаганидан сўнг харид комиссияси иштирокчиларни таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш учун йиғилиш ўтказиладиган вақтни белгилайди ва бу тўғрисида йиғилиш ўтказилишидан камида бир иш куни олдин иштирокчиларни хабардор қилади.

Агар таклифни киритган танлаш иштирокчиси Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган талабларга мос келмаса ёхуд танлаш иштирокчисининг таклифи харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.

Баҳолаш пайтида харид комиссияси иштирокчиларидан таклифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

Танлаш иштирокчилари таклифларини турли валюталарда тақдим этган ҳолларда, баҳолаш жараёнида таклиф қиймати конверт очилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ягона валюта курси бўйича қайта ҳисобланади.

Арифметик ёки бошқа хатоликлар аниқланган тақдирда харид комиссияси иштирокчиларини хабардор қилган ҳолда, таклифини рад этиш ёки келгусида кўриб чиқишнинг бошқа шартларини белгилаб беришга ҳақли.

Чет эллик ва маҳаллий иштирокчиларнинг таклиф этаётган нархларини объектив тарзда таққослаш мақсадида баҳолаш жараёнида

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тегишли харажатлар ҳисобга олинади (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар).

Танлашда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига кўра ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларни баҳолашда чет эллик етказиб берувчилар томонидан таклиф этилган нархдан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференциялар берилиши мумкин.

Иштирокчилар томонидан берилган таклифларни харид комиссияси томонидан кўриб чиқиш ва баҳолаш учун қуйидаги кетма-кетлик амал қилади:

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

Иштирокчиларнинг таклифлари харид қидиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида харид комиссияси комиссия аъзолари ва мустақил экспертлардан, тор доирадаги мутахассислардан иборат бўлган ишчи гуруҳ тузишга ҳақли.

Келиб тушган таклифлар харид комиссияси ёки мутахассислар иштирокидаги ишчи гуруҳи томонидан кўриб чиқилиб, баҳоланиши мумкин. Бунда, ишчи гуруҳи томонидан баҳоланганда харид комиссиясига хулоса шаклидаги ҳисобот тақдим этилади. Редакция ташкил этиш ва баҳолаши мумкинлиги.

Харид комиссияси иштирокчиларни таклифларини харид қилиш ҳужжатларида белгиланган техник хусусиятларга доир талабларга мувофиқлигини харид қилиш ҳужжатларини 10-иловасида кўрсатилган мезонлар бўйича баҳолайди

Танлашда сифат танловидан ўтмаган ҳамда нархи бошланғич нархдан ошган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

Иштирокчиларни таклифларини очишда, иштирокчиларнинг номлари, товарларнинг нархи ва таклиф қиймати, шунингдек ушбу харид ҳужжатлари талабларига мувофиқ, танлаш ҳужжатларнинг тўлдирилишининг тўғрилиги эълон қилинади.

Харид комиссияси ғолибни аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш ҳужжатларида қайд этилган мезонлар асосида баҳолашни амалга оширади.

- Танлашда техник ва сифат таклифларини баҳолаш натижаларига кўра харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида ҳамда иштирокчиларнинг тўплаган балларини инобатга олиб шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари баённомада қайд этилади. Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш баённомасида харид комиссияси таклифларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган танлаш иштирокчилари ҳақидаги ахборотларни қайд этади.

Баённома танлаш ўтказиш бўйича харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат

харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Иштирокчиларнинг таклифни таъминлаш маблағи, ғолиб аниқлангандан сўнг икки иш куни мобайнида қайтарилади.

Ғолиб иштирокчининг таклифни таъминлаш маблағи, шартнома шартлари тўлиқ бажарилгандан сўнг икки иш куни мобайнида қайтарилади.

Харид қилиш ҳужжатларига
10-илова

1 -. Таклифларни техник жиҳатдан баҳолаш.

Таклифларни техник жиҳатдан баҳолаш танлашнинг техник таклифларига оид ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Техник баҳолаш мезонлари харид комиссиясининг хар бир аъзоси томонидан баҳоланади.

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1	Харид қилиш ҳужжатларининг техник қисми талабларига мувофиқлиги	Мувофиқ бўлса – 10 балл Мувофиқ эмас – 0 балл	Агар мувофиқ бўлмаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилиги овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин
2.	Дастлабки сифат танлови натижалари	0 дан 10 баллгача	
3.	Босмаҳонада ультрабинафша офсет босма (LED UV) босма станогига борлиги	Ҳа - 10 балл Йўқ – 5 балл	

VI -боб. Энг яхши таклифларни танлаш натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби

Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Харид комиссиясининг қарорига кўра ғолиб деб топилган иштирокчига харид комиссиясининг ёзма кўринишдаги хабарномаси етказилади.

Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат бююртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш ҳужжатларини 15-иловасида кўрсатилган шаклда тузилади.

№: _____ Сана: _____

Харид комиссияси

КОРРУПЦИЯ КЎРИНИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БЎЙИЧА АРИЗА

Мен, _____ (харид тартиб-таомили иштирокчисининг номи кўрсатилади) товар етказиб бериш учун (таклиф этилаётган товар турлари кўрсатиб ўтилади) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мажбуриятини оламан.

Мен коррупциянинг куйидаги кўринишларига йўл қўймасликни кафолатлайман:

- Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

- ўз мансаб ёки хизмат мавқеимдан шахсий манфаатларимни ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиш;

- танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини қонунчиликка зид тартибда расмийлаштириш;

- танлаш бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини қонунчиликка зид тартибда амалга ошириш;

- давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказиш, жумладан, пора беришни таклиф қилиш, ваъда бериш, товламачилик қилиш, пора сифатида пул тўлаш, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш;

- манфаатлар тўқнашувига;

- танлашда иштирок этаётган бошқа иштирокчилар билан тил бириктириш;

- ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатлари аниқланган тақдирда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилишга розилик билдираман.

Раҳбарнинг Ф.И.Ш.: _____

Телефон/факс раками: _____

Электрон почта манзили: _____

Имзо:

М.Ў.

Шартнома №
хизматлар кўрсатиш бўйича

Кармана т.

2022 й. «__» _____

Кармана туман «Ахборот-кутубхона маркази номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи, директор Д.Т.Имомова (кейинги ўринларда, “Буюртмачи”) деб аталадиган бир томондан ва _____ (кейинги ўринларда “Ижрочи”) бошқа томондан куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Ижрочи ушбу шартноманинг 3-бандига (бундан буён матнда хизматлар деб юритилади) мувофиқ китоблар нашри бўйича хизматлар кўрсатишни ўз зиммасига олади ва Буюртмачи ушбу шартнома шартларига мувофиқ хизматларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу шартнома шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган Спецификациялар (ишларга)га мувофиқ хизматларни амалга оширишни назарда тутди.

1.3. Хизматларни кўрсатиш **Ижрочи** томонидан шахсан ҳамда учинчи шахсларни жалб қилган ҳолда амалга оширилади. **Ижрочи** учинчи шахслар томонидан амалга оширилган хизматлар учун **Буюртмачи** олдида жавобгарликни тўлиқ ўз зиммасига олади. “**Буюртмачи**” томонидан олдиндан тўлов амалга оширигандан сўнг **Ижрочи** томонидан хизматлар кўрсатилиши бошланади.

1.4. Хизматлар кўрсатилганлиги **Ижрочи ва Буюртмачи** томонидан имзоланган электрон ҳисобварақ-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномаси билан тасдиқланади.

2. Хизматлар кўрсатиш шартлари ва тартиби.

2.1. Ижрочи ўз ҳисобварағига олдиндан тўловни олганидан кейин 60 (олтмиш) иш куни ичида хизмат кўрсатади. Шартнома бўйича мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришга йўл қўйилади.

2.2. Хизматларни кўрсатилиши тугагач, **Ижрочи Буюртмачига** электрон ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномасини тақдим этади, бунда **Буюртмачи** 3 кун ичида тақдим этилган ҳужжатларни имзолайди (тасдиқлайди) ёки имзоламаган (тасдиқламаган) тақдирда асослантирилган рад жавобини **Ижрочига** тақдим этади.

2.3. Кўрсатилган хизматдаги камчиликлар аниқланганлиги сабабли **буюртмачи** асослантирилган ҳолда кўрсатилган хизматлар далолатномасини имзолашдан ва ҳисоб-фактурани қабул қилишдан бош тортган тақдирда, томонлар аниқланган камчиликлар рўйхати, уларни бажариш учун зарур бўлган қўшимча ишлар ва муддатлар кўрсатилган ҳолда икки томонлама нуксонлар далолатномаси тузадилар. Бунда, камчиликларни бартараф этиш муддати 2 календарь кундан ошмаслиги керак.

Нуксонлар далолатномасида кўрсатилган камчиликларни **Ижрочи** ўз маблағлари ҳисобидан ва белгиланган муддатларда бартараф этишга мажбурдир. Ижрочи ёки Ижрочи томонидан жалб этилган учинчи шахсларнинг айбисиз, бошқа шахслар томонидан қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида Ижрочининг материал ва ускуналарига зарар етказилган ҳолатлари бундан мустаснодир.

3. Шартнома баҳоси ва тўлов тартиби.

3.1. Ушбу шартнома бўйича хизматларнинг умумий қиймати _____ (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) ташкил этади.

3.2. **Буюртмачи** ушбу шартнома тузилган кундан бошлаб уч банк куни мобайнида **Ижрочининг** ҳисоб-китоб рақамига 30% миқдорда олдиндан тўловни амалга оширади. **Ижрочи** томонидан шартнома бўйича ишлар бажариб, электрон ҳисобварақ-фактура топширигандан сўнг, ушбу шартнома қийматининг қолган 70% миқдордаги сумма **буюртмачи томонидан** 3 иш куни мобайнида тўлаб берилади.

3.3. Ушбу шартноманинг 3.1 бандда кўрсатилган қиймати - ушбу шартноманинг 1-илоvasига мувофиқ келишилган бўлиб, **ижрочи** томонидан шартнома предметини амалга ошириш билан боғлиқ барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз ичига олади.

3.4. Хизматлар нархи белгиланган бўлиб, ушбу шартнома амал қилиш муддати давомида ўзгарилишига йўл қўйилмайди, **Бююртмачининг** ташаббуси билан хизматлар ҳажми ўзгариб, шартномага қўшимча битим сифатида расмийлаштирилган ҳолатлар бундан мустаснодир.

4. Хизматларни қабул қилиш

4.1. Кўрсатилган хизматларни қабул қилиш Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси ҳудудида амалга оширилади.

4.2. Хизматларни қабул қилиш ушбу шартноманинг 2.2 бандида кўрсатилган ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

5. Шартноманинг амал қилиши муддатлари.

5.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаган санадан бошлаб кучга киради ва 2022 йил ----- кадар амал қилади. Шартноманинг амал қилиш муддати якунланиши тарафларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.2. Ушбу шартнома ҳар қандай вақтда ҳар икки томоннинг ёзма розилиги билан ва шартнома бекор қилинишидан олдин шартнома бўйича пайдо бўлган мажбуриятларнинг мажбурий бажарилиши билан, шу жумладан шартномани бекор қилиш кунда кўрсатилган хизматлар учун Ижрочига ҳақ тўлаш билан бекор қилиниши мумкин.

5.3. Томонлардан бирининг ташаббуси билан шартномани бекор қилиниши, сабабларини кўрсатган ҳолда, бошқа томонни шартномани бекор қилиниши режалаштирилган санадан камида 10 иш куни олдиндан хабардор қилиш орқали амалга оширилади.

5.1.1. Бююртмачи Ижрочидан ушбу шартнома доирасида хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган қурилиш материаллари, хом ашё, асбоб-ускуналар ва бошқаларни сотиб олганликни тасдиқловчи бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини (счёт-фактуралар, счёт-фактуралар, тушумлар ва бошқа ҳужжатларнинг нусхалари) тақдим этишни талаб қилишга ҳақли эмас.

6. Шартномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши.

6.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши томонларнинг фақат ёзма равишда бўлган қўшимча битим тузиш йўли билан амалга оширилади ва у томонларнинг ваколатли вакиллари имзолаган тақдирда амал қилади.

7. Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал қилиш тартиби.

7.1. Томонларнинг жавобгарлик масалалари “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

7.2. Шартнома бўйича барча низо ва келишмовчиликлар тинч музокаралар ва даъво аризаси орқали ҳал этилади. Низоларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этишнинг иложи бўлмаса, ушбу битимдан келиб чиқадиган ёки унга боғлиқ бўлган барча келишмовчиликлар, келишмовчиликлар ва даъволар, шу жумладан уни тузиш, ўзгартириш, ижро этиш, бузиш, тугатиш, бекор қилиш ва амал қилиш билан боғлиқ даъволар Тошкент туманлараро хўжалик судида ҳал этилади.

7.3. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш шартларини бузганлик учун **Ижрочи** кечиктирилган ҳар бир календарь куни учун амалга оширилмаган хизматлар қийматининг 0,5% (ноль бутун ўндан беш фоиз) миқдорида, лекин амалга оширилмаган хизматлар қийматининг 50% (эллик фоиз) дан кўп бўлмаган миқдорда жарима шаклида жавобгар бўлади.

7.4. Мажбуриятларни бажариш шартларини бузганлик учун шартнома бўйича тўлов шаклида **Бююртмачи** кечиктирилган ҳар бир календарь куни учун тўланмаган ёки муддати ўтган тўлов суммасининг 0,5% (ноль бутун ўндан беш фоиз) миқдорида жарима (пеня) шаклида, лекин муддати ўтган тўлов қийматининг 50% (эллик фоиз) дан кўп бўлмаган миқдорда жавобгар бўлади.

7.5. Жарималар ва жарималар тўлаш томонларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-Мажор.

8.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмагани ёки тўғри бажарилмагани учун жавобгар бўлмайди, агар улар фавқулодда ҳолатлар (ёнғин, сув тошқини, зилзилалар, кўчкилар, бўронлар, қурғокчилик ва бошқа табиий офатлар) ёки ижтимоий-иқтисодий шароитлар (уруш ҳолати, ҳарбий

операциялар, КОВИД -2019 тарқалиши) ҳамда ҳукумат қарорлари оқибатида юзага келган бўлса ҳамда ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ваколатли давлат органи тарафидан берилган ҳужжатлар бўлган тақдирда.

9. Шартноманинг бошқа шартлари

9.1. Ушбу шартнома бўйича ҳар қандай билдиришнома ёзма равишда расмийлаштирилиб, билдиришнома ёзган томоннинг ваколатли вакили имзоси остида иккинчи томоннинг манзилига етказилади.

9.2. Ушбу шартнома мазмун жиҳатидан бир хил бўлган ва бир хил қонуний қучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар икки тарафнинг имзоси ва муҳрлари билан тасдиқланади.

Ижрочи

_____ /
М. Ж

Буюртмачи

_____ / _____
М. Ж

